

3. табиатнинг йил сайин ўзини-ўзи тиклаш кучи пасайиб бораётганлиги;
4. табиий ресурсларнинг йил сайин камайиб бораётганлиги;
5. атроф-муҳитнинг ифлосланиб, заҳарланиб бораётганлиги;
6. инсониятнинг бир меъёрда соғлом яшашига табиат тўлиқ шароит яратаолмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Юқорида кўрсатилган муаммолар эса бугунги экотуризмни ривожлантиришни ҳаётий заруриятга айлантirmoқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Соғлом она ва бола йили. Давлат дастуридан.
2. Бердиев Б. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Бизнес Эксперт журнали, №6(138) .2019. 4-7 бет, <http://www.biznes-dailv.uz/ru>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
4. Исмоилов М., Ёқубжонова Ҳ. Экологик парадигма: муаммо ва ечимлар, Ўзбекистонда Ижтимоий фанлар №4 2015, 17- бет.
5. Имом ал-Бухорий Ал-жомеъас-саҳиҳ асаридан. Доктор Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Убайд. “Ривоят ва нусах ал Жомеъ ас Саҳиҳ” китоби. Маккаи Мукаррама шаҳри. 2006. Б-33.

М.Ҳ. Думаров
Андижон давлат университети
dumarov-mx@mail.ru

ИЖТИМОЙ ВОҶЕЛИК ФАЛСАФИЙ- ПСИХОЛОГИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада ижтимоий воқелик табиати ва ижтимоий воқелик фалсафий психологик категория сифатида ўрганилиши тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: фалсафа, психология, билиш, англаш, антик давр фалсафаси, антик давр психологияси, ижтимоий воқелик.

М.Х. Думаров
Андижанский государственный университет
Андижан, Узбекистан
dumarov-mx@mail.ru

СОЦИАЛЬНАЯ РЕАЛЬНОСТЬ КАК ФИЛОСОФСКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ

Аннотация. В данной статье исследуется природа социальных реалий и изучение социальной реальности как философско-психологической категории.

Ключевые слова: философия, психология, познание, понимание, философия античности, психология античности, социальная реальность.

Ижтимоий - психология шахсларни кенг миқёсдаги ижтимоий муносабатлар тизимида тадқиқ этар экан, уларнинг шахс сифатида шаклланиши, ижтимоий воқеликка муносабатининг келиб чиқиши ва шу ижтимоий воқеликка адекват

муносабати шаклланишини таъминловчи таъсирчан омилларни ҳамда механизмларни илмий-психологик нуқтаи назардан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Фалсафа фанида воқелик феномени - ҳақиқий мавжуд,реаллик. Воқелик “ўз-ўзидан” билиш туфайли намоён бўлиши мумкин ҳисобланган ва муайян вақтда рўй берган барча нарса ва ҳодисалардир[3]. Воқелик мавжуд нарсаларга тааллуқли, уларнинг мавжудлиги далил исботни талаб этмайди. Бунда асосий муаммо нарсаларнинг воқелиги, реал мавжудлигида эмас, балки биз уни қандай идрок этишимизда, тушунишимиздадир. Мазкур муаммо қуйидаги нуқтаи-назарларга кўра ҳал этилиши мумкин:

1. Билиш “ўз-ўзидан моҳиятни ” аниқлашга йўналтирилган. Воқеликни англаш учун уни онг билиш объектига айлантирмоғи лозим. Шу маънода, воқелик билиш ҳолатидан қатъий назар, мустақил мавжуд, онгдан мустақил равишда мавжуд бўлган нарсалар воқелиги, табиатига эга. Билиш воқеликнинг моҳиятини аниқлаш жараёнидир [3].

2.Воқеликни билиш инсонга хос бўлган ҳиссий-трансцендент ҳолат ҳамдир. Бунинг маъноси шуки, воқелик таъсирида инсонда эмоционал-рецептив ҳолатлар мавжуд бўлади, уларни мавжудлигини ўзи ҳам воқелик. Масалан, кишиларнинг ҳиссий-рецептив тажрибалари, таъсирланиш, чидам, азоб ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Мазкур маънода, воқелик воқеалар тарзида намоён бўлади. Билиш фақат реал мавжуд бўлган нарсаларнинг моҳиятини тушунишгина эмас,балки,нарсаларнинг инсонга таъсири натижасида ҳосил бўладиган хатти-ҳаракатлар, эмоционал ҳолатларни тушуниш (ниманидир кутиш, олдиндан сезиш, ўзини нимагадир тайёрлаш, ютуқ ва камчиликни ҳис қилиш, ўзи ва бошқалар хатти-ҳаракатлари оқибатларини, ўзи ва бошқалар кайфиятларини билиш) ҳамдир. Воқелик бўлиши кутилган нарсаларни олдиндан сезиш, кўриш, ҳис қилиш тарзида намоён бўлади. Инсоннинг хатти-ҳаракати воқеалар жараёни ёки инсонни билишга йўналтирилган бўлади [3].

Илмий тадқиқотимизнинг долзарблиги ҳам шунда кўринадики, ҳозирги жамиятнинг ривожланиш босқичи унга нисбатан ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Замонавий ижтимоий воқелик – бу нафақат ижобий, балки ўз ичига салбий ўзгаришларни ҳам оладиган анча мунозарали ҳодисадир. Ижтимоий воқелик ҳақиқатдан ҳам назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган муаммо ҳисобланади. Ижтимоий воқелик замонавий ижтимоий фалсафий тафаккурнинг асосларидан биридир. Фалсафа фани тарихий тараққиётида ижтимоий воқелик феномени бир неча бор ўрганилиш объектига айланган бўлсада, у айнан якка тартибда ўрганилмаган ҳодиса ҳисобланади. Жамият, давлат, жамоатчилик алоқалари, ижтимоий мавжудот ва бошқа тушунчалар билан боғлиқ равишда таҳлил қилинган.

Қадимги ва Ўрта аср мутафаккирлари (Сукрот, Платон, Арасту, Аурелиус Августин, Томас Аквина ва бошқалар) асарларида ижтимоий воқелик мавзуси алоҳида мустақил тадқиқот йўналиши сифатида ажратилмаган. Антик давр фалсафасида бизни атроф-муҳит ва нарсалар тўғрисида тасаввурларимизнинг шаклланиши ҳар доим “нарсалардан - воқеликка” йўналишида таҳлил қилинган, у мавҳумликлар ва спекуляциялар учун асос бўлган. Метафора ва аналогиялар асосларини яратган. Қадимги Юнонистонда барча нарсаларнинг табиатини Сукротгача бўлган даврда бирламчи элементларига боғлаб тушунтирганлар. Лекин нарсаларнинг бирламчи элементлари барибир мавҳумликка қараб кетган, мавҳумлик эса ҳақиқатни кашф этишга ундаган. Сукрот эса биринчи бўлиб, бу икки нарсани боғлаб инсоннинг ички дуёсини билишнинг концептуал даражасига эътибор қаратган

ҳолда қуйидагича тушунтирган “воқелик – инсон тафаккурининг воқелиги, унинг динамик ва диалектик характериدير” [3].

Демокрит таълимотига кўра, фақат умумий нуқтаи назардан ранг бор, фикрда-ширин, фикрда-аччиқ, аслида эса фақат атом ва бўшлиқ мавжуд. “Умумий фикр” нарсаларнинг табиатига кўра эмас, балки “умумий қабул қилинган фикрга кўра” ва “биз учун” деган маънони англатади[3]. У ўз навбатида, нарсаларнинг табиатини “ҳақиқат” ибораси билан ифодалайди. Демокрит ўз қарашида объектив равишда мавжуд бўлган “нарсаларнинг табиати” ва субъект томонидан ҳиссий идрок этиш шаклларига эътибор қаратади.

Платон эса воқелик ҳақидаги ғояларни ривожлантириб иккита воқеликнинг мавжудлигини асослаб берган. Биринчиси эмпирик ва инсон идрок эта оладиган, иккинчиси эса инсоният томонидан идрок этиб бўлмайдиган нарсалар ва ғоялар воқелиги.

Ўрта асрларда ижтимоий воқелик тўғрисида аниқроқ тушунчалар ва қарашлар пайдо бўла бошлади. Мутафаккирлар ва илоҳиётшуносларнинг баҳс-мунозаралари натижасида фан кўплаб маълумотлар билан бойиб борди. Ижтимоий воқелик мавзусининг айрим жиҳатлари Р.Декарт, Б.Спиноза, Т.Хоббс, Ж.Локк ва Янги даврнинг бошқа мутафаккирлари томонидан кўриб чиқиладиган бўлди. Уларнинг асарларида ижтимоий воқелик, қоида тариқасида давлат ва сиёсий муаммолар ўрамада таҳлил қилинган. Хусусан Ж.Локк нарсаларнинг асосий хусусиятлари узунлик, ўлчам, шакл, нисбий ҳолати, ўтказувчанлиги, миқдорий хусусиятлари, сурилиши, механик ҳаракати, тинч ҳолати ва давомийлиги иккиламчи ранг, товуш, таъм, ҳид ва бошқаларга қараганда кўпроқ ҳақиқатга эга деб айтган.

Воқелик ҳақида ғояларнинг ривожланишида Иммануел Кант алоҳида ўрин тутди. У воқеликнинг муҳим ҳодисаларини “эмпирик воқеликка” ва “барча объектларнинг трансцендентал материяси” [3] сифатида категорик воқеликка ажратган. Гегел, Иммануел Кант ва Фихте асарларида ижтимоий воқелик алоҳида фалсафий категория сифатида ажралиб турмайди. Бироқ уларнинг асарларида ижтимоий воқеликни таҳлил қилиш учун улкан услубий имкониятлар мавжуд. Инқилобий ўзгаришларнинг мавжудлиги асосида К.Маркс ва Ф.Энгелс асарларида жамият ва жамоатчилик муносабатларининг жиддий таҳлили, ижтимоий воқеликни ўрганишда янги истиқболларни очиб берди. Аммо афсуски, уларнинг асарларида мафкуравий таъсир ижтимоий воқеликни ўрганишни бир томонлама характерли имконият берди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида пайдо бўлган социология фани ижтимоий воқеликни фаол равишда ўрганишни бошлади, лекин социологиянинг ўзига хос предмети ва ўзига хос усуллари бўлгани сабабли ижтимоий воқеликни ўрганиш, авваламбор, социологик билимлар ривожланишига хизмат қилмоқда (О. Комте таълимоти, М. Вибер, Е. Дюркгейм, Г. Шиммел ва бошқалар). Ўша даврлардан бошлаб деярли барча файласуф ва социологлар турли хил концептуал позициялардан жамиятнинг муносиб моделларини яратишга ҳаракат қилишди. Жумладан : Ф. Гиддинс, Л. Гумпулович, В. Парето, Р. Парк, Т. Парсонс, П. Сорокин каби олимлар ижтимоий воқелик назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ижтимоий воқеликни постмодернизм асосларига таянган ҳолда М. Бланшо, Ж. Бодрийяра, Уелс, Ж. Делеза, Ж. Деррида, Ж. Лётард, М. Фуколар томонидан ижтимоийликнинг янги қиёфаси ижтимоий воқелик – виртуаллик тушунчаси фанга киритилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий воқелик табиати, жамиятнинг моҳияти ва уларнинг таркибий моделларини яратиш имкониятлари кўплаб йирик олимлар Р. Арон, П. Бергер, П. Бурдье, Э. Гидденс, Л. Голдман, А. Гоулднер, Г. Лукман, Н.

Луман, К. Манхейм, Ю. Хабермас, П. Штомпки, А. Шюц асарларида фикр юритилди ва қисман таърифлар берилди.

Ижтимоий воқелик фалсафий-психологик феномени бўйича ҳалқаро илмий ҳамжамият олимлари, ушбу фундаментал тадқиқотлар орқали ижтимоий воқеликни тушунишнинг турли хил шакл ва услубларини тадқиқ этганлар. Улар орасида биринчи навбатда, П. Бергер, Б. Уолдонфелс, Е. Хуссерл, Т. Лакманн, Д. Силверман, Д. Уолш, М. Филиппсон, А. Шюцнинг асарларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Ушбу олимлар анъанавий назариётчилик доирасида муаммони ҳал қилиш мумкин эмас эканлигини исботлаб беришди. Тадқиқотчиларнинг қарашлари замонавий ижтимоий-гуманитар фанлардаги тушунчалар ва концептуал тузилмаларни тушунишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб берди.

Россия ижтимоий-фалсафий тафаккурида ижтимоий воқелик муаммосини тадқиқ қилиниши турли хил услубий ва мафкуравий қарашлар негизида шаклланиб, ижтимоий воқелик ва унинг индивидуал жиҳатлари ҳақидаги фикрлар билан ёритилди. Жумладан: Н.А. Бердяев, А.И. Герцен, Н.А. Данилевский, И.А. Ильин, Л.П. Карсавина, И.А. Кириевский, С.Л. Франк, А.С. Хамяковалар асарларида. Собиқ Иттифоқ даврида тадқиқотчилар асосий эътиборни субъектив диктомияни енгиб ижтимоий муносабатлар таҳлилига қаратишди.

Илм-фан, маданиятнинг ривожланиши, жамият ижтимоий воқелиги муаммоларига ва шу жамият ичида яшовчи инсон муаммоларига нисбатан эътиборни ортишига сабабчи бўлди. Замонавий фалсафада “воқелик” муаммоси турли хил талқинларни олди. Лингвистик позитивизмда Л.Витгенштейн, Ж.Остин ва бошқалар “воқелик” тушунчасини турли хил маъноларини “одатий”, “табиий”, “жонли” равишда талқин қилдилар. Л.Витгенштейн дунёни “Мен” деб ажратади ва бизнинг тилимиз чегаралари бизнинг дунёмизни белгилайди. Тилнинг тўлиқ шаффофлиги ва аниқ равшанлигига эришиш орқали ҳақиқат ва мантиқни уйғунлаштириш Л.Витгенштейн фалсафий асарининг асосий ғояси эди.

Замонавий олимларнинг “ижтимоий воқелик” фалсафий-психологик категорияси борасидаги қарашларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ишларни юқори баҳолаган ҳолда, фақатгина ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан эмас, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ҳам “ижтимоий воқелик” тушунчасини ўрганиш метод ва методикаларини ишлаб чиқиш бугунги кун психологияси доирасидаги тадқиқотчиларнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Инсон билимларни ўзлаштириш орқали реал дунёнинг мураккаблигини англайди. Воқелик бир хил эмас ва у барча давлатларда инсонлар томонидан турлича қабул қилинади. Воқелик психология фанида ҳам бошқа фанларда ҳам ишлатиладиган категория ҳисобланади. Лекин психологлардан фарқли уларнинг тадқиқот мавзуси ижтимоий воқеликнинг бошқа маълум жиҳатларини очишга қаратилган бўлади.

Шундай қилиб, воқелик фалсафий-психологик категория бўлиб, унинг ёрдамида объектларнинг мавжудлиги, худди шундай маждуд тарзда акс эттирилади ёки инсон онги томонидан олдиндан идрок қилинганлиги эвазига акс эттирилади. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, “ижтимоий воқелик” феномени ўсмирларда ижтимоий воқеликка нисбатан адекват муносабат шаклланишига психологик жиҳатдан имконият беради. Ўсмир фаол ижтимоий муносабатлар ўзлаштирувчиси сифатида жамият, давлат, жамоатчилик алоқалари, ижтимоий мавжудот ва бошқа тушунчалар тўғрисида эндигина дунёқараши шаклланаётган бўлади. Уларнинг ижтимоий руҳий қиёфаси, жамиятнинг умумий ҳолати, ижтимоийлашув қонуниятлари ва таълим-тарбия имкониятларини тўғри йўналтирилиш орқали ижтимоий воқеликка адекват муносабатни шакллантириш мумкин деб ҳисоблаймиз

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2018.11-17 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент.: Маънавият, 2008. 176 б.
3. Муаллифлар жамоаси. Фалсафа қомусий луғат. Т., 2004. 74-108.

Ж. Мўминов, илмий раҳбар И.М. Арзиматова
Фарғона давлат университети
Фарғона, Ўзбекистон
arzimatova1969@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида бадиий-эстетик маданиятнинг ривожланиш хусусиятлари, социомаданий соҳада маркетингни қўллаш, маданий-маърифий муассасалар фаолиятида маркетинг хизматидан фойдаланиш ҳақида сўз кетган.

Калит сўзлар: бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти, маркетинг, бадиий-эстетик маданият, социомаданий соҳа, санъат, объект ва субъект, компонент.

Ж. Муминов, научный руководитель И.М. Арзиматова
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан
arzimatova1969@gmail.com

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье рассматриваются особенности развития художественно-эстетической культуры в условиях рыночных отношений в Узбекистане, использования маркетинга в социокультурной сфере и использования маркетинговых услуг для культурно-просветительской деятельности.

Ключевые слова. Рыночные отношения, рыночная экономика, маркетинг, художественная, эстетическая культура, социокультурная сфера, искусство, объект и субъект, компонент.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига асосланган янги жамият мустаҳкам маънавий-ахлоқий қадриятлар негизида барпо этилмоқда. Ислохотларнинг таркибий қисми сифатида бадиий-эстетик маданият соҳасида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, уларнинг ижтимоий, инсоний моҳияти эркин фуқаро шахси камолоти, ижодий қобилият, истеъдод ва иқтидори уйғунлигида намоён бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат санъаткорлар, бадиий маданият ихлосмандлари, шу билан бирга, ижодий уюшмалар олдида ҳам янгича муносабатларга мослашишдек мураккаб вазифалар туради. Табиийки, ёзувчилар, композиторлар, театр арбоблари, меъморлар, киночиларнинг уюшмалари бозор иқтисодиёти ва рақобат шароитида ўз фаолиятларини давом эттиришга даъват этилган. Улар жамоатчилик билан алоқаларни ўзаро моддий манфаатдорлик асосида